

Пандемиянинг тугаши вакцинага боғлиқ бўлса...



17:04 / 18.07.2020 4801

Пандемиянинг тугаши вакцинага боғлиқ бўлса, вакцина қачон тайёр бўлади? Вакцина яратиш бўйича ҳозиргача бирор натижа бўлдими?

Бир нарса аниқ: дунё бўйлаб, хусусан, Ўзбекистонда коронавирусга қарши қўйилган чекловлар ва карантин чоралари вирусни бутунлай йўқ қилишга эмас, аксинча, унинг тарқалишини секинлаштиришга, пандемияни назорат остида ушлаб туришга қаратилган. Яъни, вакцина яратилмагунча коронавирусни бутунлай енга олмаймиз. Бу оддий ҳақиқат.

Вакцина қачон тайёр бўлади?

Демак, ҳаммаси вакцина қачон тайёр бўлишига боғлиқ. Айти пайтда дунёнинг АҚШ, Хитой, Британия, Германия, Россия, Ҳиндистон каби ўнлаб

давлатларида коронавирусга қарши вакцина яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. АҚШ ҳукумати камида 3 та компанияга моддий жиҳатдан ёрдам берапти, вакцинани текширувдан ўтказиш жараёни тезлаштириш бўйича энгилликлар берилган.

Мана шундай компаниялардан бири «Moderna» кеча инсонлар устида ўтказилган илк синовларнинг натижаларини эълон қилди. Унга кўра, коронавурсга қарши синовдаги вакцинани қабул қилган 45 беморнинг барчасида вирусни ўлдирувчи антитаначалар пайдо бўлган. Яъни, бу вакцина синовдан муваффақиятли ўтди, дегани. Синовнинг навбатдаги ва сўнгги босқичи шу ой охирида бошланиши кутиляпти. Унда 30 минг бемор иштирок этади.

Бу фақат АҚШдаги бир компания ўтказган синовнинг натижаси. Бундан ташқари, мамлакатда яна кўплаб компаниялар бошқа номзод вакциналар устида иш олиб бормоқда.

Масалан, АҚШнинг яна бир «Pfizer» компанияси Германиянинг «BioNtech» фирмаси билан ҳамкорликда иккита вакцина устида иш олиб борапти. Шу ой бошида ўтказилган дастлабки инсон синовлари барча беморларда антителалар пайдо бўлганини тасдиқлаган. Бу вакцина шу йил охиригача тайёр бўлиши ваъда қилинмоқда.

Бундай синовлар нафақат АҚШда, балки дунёнинг кўплаб бошқа мамлакатларида ҳам давом этапти. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотига кўра, айти пайтда турли давлатларда 150 дан ортиқ вакцина устида иш олиб борилмоқда. Уларнинг 21 таси ҳозир инсонлар устида синов ўтказиш босқичида.

Вакцина ҳаммага етадими?

Мутахассисларнинг фикрига кўра, шу йил охиригача синовдан муваффақиятли ўтган вакциналар сони қанчалиги маълум бўлади. Шундан сўнг уларни оммавий равишда ишлаб чиқариш жараёни бошланади. Вакцина қайси мамлакатда кашф қилинган бўлса, уни қайси давлат биринчи бўлиб молиялаган бўлса, табиийки, уни ўша давлат биринчи бўлиб олади. Масалан, АҚШ аллақачон 300 миллион дозага буюртма берган ва бу буюртмалар 2021-йил январгача тайёр бўлишини умид қиляпти. АҚШда жами аҳоли сони 328 миллион атрофида. 300 миллионга вакцина деярли барчани қамраб олишга етади.

Кўплаб давлатлар ҳозир синов босқичида турган вакциналар бўйича келишув ва шартномалар тузишни бошлаган. Яъни, вакцина ишлаб чиқарувчи компания ким билан шартнома тузган бўлса, биринчи навбатда уларга етказиб беради.

Олимларнинг фикрига кўра, 2021-йил охиригача бутун ер шари аҳолисини қамраб оладиган даражада вакцинани миллиардлаб дозада ишлаб чиқариш мумкин. Чунки қаердадир кашф қилинган вакцинани катта миқдорда ишлаб чиқариш учун Хитой ва Ҳиндистон каби фармацевтик ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган мамлакатлар жалб этилади. Аммо вакцинани эрта қўлга киритиш бўйича давлатлар орасида рақобат бўлиши аниқ. Чунки вирус кенг тарқалаётган ҳозирги пайтда ҳар бир кун ва ҳатто бир соат ҳам қайсидир инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун имкониятдир.

Демак, Ўзбекистон ҳам ҳозирдан потенциал вакцина ишлаб чиқарувчи давлатлар ва компаниялар билан вакцина етказиб бериш бўйича келишув ва музокараларни бошлаши керак.

Беҳзод Мамадиев